



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

2013 йил 18 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

№ 242 (12.553)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



2013 йил — Обод турмуш йили

ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

Республика Байналмилал маданият маркази томонидан бир қатор вазирлик, жамоат ва ижодий ташкилотлар билан ҳамкорликда «Туркистон» саройида ўтказилган «Ўзбекистон — умумий уйимиз» республика V дўстлик ва маданият фестивалида ушбу жиҳатлар яна бир бор ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган ушбу тадбирга сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари, миллий маданият марказлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар ва хорижий дипломатик корпус вакиллари таклиф этилди.

Фестивалнинг очилишида Республика байналмилал маданият маркази директори Н.Муҳаммадиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги аҳиллик, дўстлик ва бағрикенглик муҳити мамлакатимизда инсон омилига устувор эътибор қаратиш, ёш авлодни соғлом ва баркамол, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимизнинг бебаҳо бойлиги — тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жамиятимиздаги меҳр-оқибат, фуқаролар ва миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачигидек асраб-авайлаш масаласига давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

руҳида тарбиялаш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада юксалтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда бир юз ўттиздан ортқ миллат ва элат, ўн олти диний конфессия вакиллари ягона ва аҳил оила фарзандларидек яшаб, мамлакатимиз тараққиёти, истиқлолимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини жадал равақ топтириш йўлида самарали меҳнат қилмоқда. Мамлакатимизда миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги тотувлик, аҳиллик ва бағрикенглик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, тинчлик ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш йўлидаги оқилона ва доно сиёсат жаҳон

ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилмоқда. Ушбу жиҳатлар дўстлик ва маданият фестивали доирасида Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика Хотин-қизлар кўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ўтказилган «Фуқаролараро ва миллатлараро тотувлик — мамлакат ободлигини таъминлашнинг муҳим омили» мавзусидаги илмий-амалий конференцияда ҳам алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-бетда)

БОЛГАРИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган «Болгария — Ўзбекистон» дўстлик гуруҳи раиси Пенко Атанасов раҳбарлигидаги Болгария парламент делегацияси 17 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида учрашувлар ўтказди.

Мулоқотлар чоғида икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар Ўзбекистон билан Болгария ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кўллаб соҳаларда, жумладан, парламентаризм йўналишида ҳам ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти, парламентаризм соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар тўғрисида маълумот берилди. Президентимиз Ислам Каримов томонидан баён этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қонунчилик тизимини такомиллаштириш, замон талаблари ва демократия тамойилларига мос янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда муҳим дастуруламал бўлаётгани қайд этилди.

Ўзбекистон ва Болгариянинг ўзаро муносабатлари икки томонлама солиққа тортилишнинг олдини олиш,

сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, сайёҳлик соҳасида ҳамкорликка доир ҳуқуқматлараро ва идоралараро даражада имзоланган кўллаб ҳужжатларга асосланди.

Икки томонлама ҳамкорлиқнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамият касб этади. Учрашувларда мамлакатларимиз парламентлари ўртасидаги алоқаларни янада фаоллаштиришга доир масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида изчил ривожланмоқда, — деди Пенко Атанасов. — Болгария Ўзбекистон билан барча жабҳаларда, жумладан, парламентаризм, савдо, иқтисодиёт, sanoat, қишлоқ ва сув ҳўжалиги каби соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

Яқинда Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ташкил этилганига 22 йил тўлади. Бу муҳим тарихий сана мамлакатимизда ҳар йили умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади.

14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини

ЮКСАК ШАРАФ

Ўтган йиллар мобайнида Қуролли Кучларимиз нафақат Ватанимиз сарҳадлари ва халқимиз тинчлиги-осойишталигининг ишончли ҳимоячиси, балки ёшларда мустаҳкам ирода ва характерни шакллантирадиган, жисмоний чиниқиш ва юксак инсоний фазилатлар камол топадиган ўзига хос мактабга айланди. Миллий армиямиз сафида хизмат қилган йигитлар жисмонан соғлом ва бақувват, юксак интеллектуал салоҳият эгалари бўлиб етишмоқда. Ёшларимиз орасида армияда хизмат қилишга қизиқиш ва интилиш тобора кучайиб бораётди.

Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондон Ислам Каримов раҳнамолигида Қуролли Кучларимиз тизимида изчил ислохотлар амалга оширилди. Мамлакатимизда қисқа даврда ҳарбий соҳада мутлақо янги тизим шакллантирилди. Малакали ўрта бўғин кадрлари камол топди. Айни пайтда фахр билан айтиш мумкинки, тактик маҳорат, тайёргарлик ва шароит жиҳатидан дунёнинг энг қудратли давлатлариникидан кам бўлмаган миллий армиямиз шакллантирилди. Ватанимизда ҳарбий хизматчилар учун яратилаётган қулай шарт-шароит, имтиёзлар хорижда ҳам кўпчиликда ҳавас уйғотаётди.

Президентимизнинг ҳарбий хизматни ўташ шароитини яхшилаш ҳамда Ватан ҳимоячиларига қўшимча имтиёзлар беришга оид қарорларига биноан мутлақо ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегини таъсисномасини олган фуқаролар мамлакатимиз олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 27 фоизи миқдоридан имтиёзли баллга эга бўлади. Яна бир муҳим жиҳати, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати мудатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт шаклида ўқишга қабул қилинган талабаларга, улар ўқиш даврида фаоллигини намоён этса, контракт суммасининг 35 фоизини моддий ёрдам тариқасида тўлайди.

Бундай кенг имтиёзларнинг жорий этилиши ва яратилган кенг имкониятлар самарасида ҳарбий хизматда чиниққан қанчадан-қанча йигитлар талабалик шарафига муяссар бўлмоқда. Ҳарбий хизмат муддатининг бир йил этиб белгиланиши, муддатли ҳарбий хизматга қақирувнинг йилда бир марта ўтказилиши, аскарликка фақат соғлом ва бақувват ўғлонларнинг олиниши — буларнинг ҳаммаси миллий армиямизни сифат жиҳатдан тубдан яхшилаш имконини берди. Бунинг самарасида юртимизда сараланган, ҳар қандай мушкул вазифани ҳам бажаришга қодир қўшинлар шаклланди, жамиятимизда ҳарбий хизматнинг мавқеи ошди. Бугун Ватан ҳимоячиси бўлиш ҳар бир йигит учун нафақат конституциявий бурч, айни пайтда улкан орзу, шон-шараф ишига айланди.

Маҳоратли, машқда чиниққан, кучли қўшин Ватанинг қудратини янада оширади. Чегаралари дахлсиз, тинчлик-осойишталик барқарор юрт ҳамиша обод ва фаровон бўлади. Ватан ҳимоячиси деган ном эгаси бўлиш эса ҳар бир йигитга улғу шараф, катта ишонч ва масъулият юклайди. Шу боис мамлакатимизда ўғил-қизларни болаликдан Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида, юрт ҳимоясига қодир, жисмоний соғлом ва бақувват, маънавий етук қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислам Каримов томонидан кириб келаётган янги 2014 йилнинг Соғлом бола йили, деб эълон қилиниши замирида ҳам ана шундай эзгу мақсад мужассам.

...Яқинда олий ўқув юртини тамомлаган ўғлим Сарвар ҳарбий хизматдан қайтди. Унга ҳарбий кийим-бош жуда ярашибди. Назаримда, у анча улғайиб, вазмин бўлиб қолгандай туюлди. Ўғлимни суҳбатга тортиб, ҳарбий хизмат, у ердаги тартиб-қоидалар, аскарларнинг ҳаёти билан қизиқдим.

— Катъий интизом. Тинимсиз ўқиш ва машқлар... Кўп нарса ўргандим, — дейди ўғлим. — Ҳарбийда ўрганганларим бир умрга татийди.

Ҳар йили 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини мамлакатимизда кенг нишонланади. Бу кун нафақат ҳарбийларимиз, балки бутун халқимизнинг байрамидир.

Абдуҷалол ТАЙПАТОВ,
ЎзА шарҳловчиси



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди томонидан Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш лойиҳаси доирасида «Суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Бухорода «Юрт келажиги» кўриктанловининг ҳудудий финал босқичи ўтказилди. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятларидан 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган 177 нафар йигит-қиз иштирок этди.

● Наманган шаҳрида бадий гимнастика фестивали бўлиб ўтди. «Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақаларига тайёргарлик доирасида ташкил этилган тадбирда тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлган 300 нафардан зиёд спортчи қизлар ўз маҳоратини намоиш этди.

● Сирдарё вилоятида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда 121 корхона, ташкилот ва муассаса томонидан мингдан зиёд бўш иш ўрни таклиф этилди. Ярмарка иштирокчиларига вилоятда янги барпо этилаётган корхоналар, иқтисодиётнинг турли тармоқларида яратилаётган янги иш ўринлари ҳақида маълумот берилди. Тадбир давомида 77 киши доимий иш ўрни билан таъминланди.

● Нурота туманидаги «Фаридбек Зафарбек» хусусий корхонасида мармар плиталар тайёрлаш ўзлаштирилди. Бунинг учун 200 миллион сўм эвазига замонавий дастгоҳлар харид қилинди. Айни пайтда корхонанинг рақобатбардош қурилиш маҳсулотлари экспорт қилиняпти.

● Самарқанд шаҳрида «Қамалак юлдузлари — 2013» болалар ижодиёти фестивалининг ҳудудий финал босқичи бўлиб ўтди. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Халқ таълими ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари томонидан ўтказилаётган фестивалнинг финал босқичида Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларидан энг иқтидорли 200 нафарга яқин 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўғил-қиз иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Кейинги кунларда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида рўй берган кучли ёмғирлар натижасида 2 мингдан ортқ оилалар хавфсиз жойларга кўчирилди. Табиатнинг ушбу инжиқлиги оқибатида камида икки киши ҳаётдан кўз юмди.

● Forbes наشريёти жаҳондаги энг юқори ҳақ тўланадиган эстрада хонандаларининг рейтингини ишлаб чиқди. Унинг биринчи поғонасидан америкалик машҳур кўшиқчи Мадонна ўрин олди.

● АҚШнинг «Ford» автомобилсозлик компанияси тез орада учта янги заводни ишга туширяпти. Уларнинг икитаси Осиё, биттаси эса Жанубий Америка мамлакатларида фаолиятини бошлайди. Янги корхоналар ҳисобига «Ford»нинг ишчилари сони яна ўн бир минг кишига кўпаяди. Компания ушбу чора-тадбирлари орқали йилига олти миллион донна машина ишлаб чиқаришни кўзда тутмоқда.

ҚИСКА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларининг хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши томонидан ташкил этилган

«Энг намунали бошланғич ташкилот» Республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Мирзо Улуғбек туман ҳокимлигида «Ватан

ҳимояси муқаддас бурч» мавзусида маънавий-маърифий тадбир уюштирилди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Банклар томонидан фермер ҳўжаликларга

кўрсатилаётган кредит ва лизинг хизматларини модернизация қилиш масалалари ва истиқболдаги вазифалар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Мамлакатимиздаги тинчлик, осойишталик ва барқарорлик барча соҳалардаги улкан ютуқларимиз, халқимиз фировонлигининг тобора юксалиши, амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг юксак самараларида муҳим омил бўлмоқда. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида тинчлик ва осойишталикни, ўзаро аҳиликни, жамоат ҳавфсизлигини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни кунларда мамлакатимизда Янги йил байрамини юқори савияда ва мазмунли нишонлаш, байрам тадбирларини ҳамжиҳатлик билан ўтказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг ўринбосари, полковник Раҳмат МАМАТОВ билан бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида суҳбатлашди.

— Халқимиз тинчлиги юксак қадрлайди, уни ўз ораи интилишлари, эзгу ниятлари рўбга чиқишининг муҳим кафолати, деб билади, — дейди Р.Маматов. — Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида эришган энг катта бойлигимиз халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётидир. Жамиятимизда қарор топган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва барқарорлик каби олижаноб қасблар, миллий ва умумбашарий қадриятларга йўғун яшаш таъминлай янада мустаҳкамланиб бораётган. Демократик ҳуқуқий давлат асосларининг тобора мустаҳкамлаётган мамлакатимизнинг ҳар томонлама тараққий этиши, фуқаролар ҳуқуқлари кафолатларининг кучайиши ва амалда таъминланишида муҳим омил бўлмоқда. Шу боис тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, осуда ҳаётни таъминлаш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, балки ўзини шу муқаддас замин фарзанди деб билган ҳар бир фуқаронинг муҳим бурчи эканини юртдошларимиз чуқур англайди.

Янги йил байрами шуккуи кезаётган шаҳар ва қишлоқларимиздаги, хонадонларимиздаги хотиржамлик ва кўтаринки кайфияти кўриб, кўз қувонади. Зотан, осойишта ҳаёт, аввало, бу одамлар ўзаро аҳил-иноқ яшаб, яхши кўларини баҳамжиҳат ўтказишидир.

Тинч, осойишта, обод ва фаровон ҳаётни таъминлаш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ободлик деганда, халқимиз, миллимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, фазл-баракат ҳукмрон бўлган жойларни, доимо пок ният ва соғлом интилиш билан яшашни тасаввур қилади. Ҳаётимиздаги ҳар бир улкан воқеа юртимиз бўйлаб тинч, осойишта, юксак савияда ўтишини таъминлаш ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига улкан масъулият юклайди. Жумладан, Президент ар-часи, Янги йил байрами тадбирларининг юқори савияда, муносиб ва кўтаринки руҳда ўтишини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан кенг кўламли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

Мазкур режага мувофиқ айни кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлари, барча шаҳар ва туманлар марказларида, қишлоқ ва маҳаллаларда, байрам тантаналари ўтадиган ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш, фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш, ёнғин ҳамда йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш юзасидан алоҳида гуруҳлар иш олиб бормоқда.

Демократик жамиятни шакллантириш жараёнида ҳар бир мамлакат ўзининг шарт-шароитини, халқининг азалий урф-одат ва анъаналарини, турмуш тарзи, маънавий қадриятлари, тарихи ва менталитетини ҳисобга олиб иш юритиши табиий ҳол. Шу маънода, ўзини ўзи бошқариш институтининг ноёб шакли бўлиши маҳалла ижтимоий-сиёсий ҳаётида, мамлакатимизни демократик янгилашга қаратилган ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида, «Кўчи давлатдан — кўчи фуқаролик жамияти сари» таъминлини амалга оширишда муҳим ўрин тутади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 10 мингга яқин фуқаролар йиғини мавжуд. Тинчлик, осойишталик, ҳамжиҳатлик аввало оиладан, маҳалладан бошланади. Шунинг эътиборига олган ҳолда, ҳар бир қишлоқ, овул, қўрғон ва маҳаллада ички ишлар идоралари ходимлари, профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари, фаоллар, маҳалла оқсоқоллари, таълим-тарбия соҳаси вакиллари иштирокида аҳолини огоҳлик ва ҳушёрликка даъват этувчи учрашувлар, маърифий тадбирлар ўтказилаётган. Зотан, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда ҳуқуқ-тартибот идоралари ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизнинг чегара ҳудудларида ички ишлар идоралари ходимларининг хизмати кўнатирилган тартибда олиб борилиши йўлга қўйилди. Шаҳарлар ва туманлар марказларида ички

ишлар идоралари ходимлари ва маҳалла посбонларидан иборат патруль гуруҳларининг ҳушёрлиги ва фаоллиги янада оширилди. Ички ишлар идораларининг муҳим вазифаларидан бири бўлган фуқароларнинг паспорт-виза қоидаларига амал қилишини таъминлаш борасида фуқароларни доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтмасдан яшаш ҳолатларини аниқлаш, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мамлакатимиз ҳудудида бўлиш қоидаларига амал қилиши алоҳида назоратга олинган.

Байрамни тинч ва осуда ўтказиш учун жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашини янада кучайтириш, жамоат тартибини сақлаш, жиноят содир этишга мойил шахсларни аниқлаб, уларга жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда ижобий профилактика таъсир кўрсатиш мақсадида «Тозалаш — антитеррор» тезкор-профилактик тадбирлари ўтказилмоқда. Бундай тадбирларда маҳаллий ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотларининг ақил ҳамкорлиги йўлга қўйилгани кўл келмоқда. Профилактик ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида маҳаллалар, қорхоналар, ташкилотлар ва ўқув муассасаларида учрашувлар ўтказилмоқда.

Байрам тадбирлари ўтказиладиган жойларда ноҳус ҳолатларнинг юзга келишига йўл қўймаслик мақсадида маҳаллий ҳоким-

ликлар қоидага омилавий тадбирларни ўтказиш бўйича махсус комиссиялар аъзоларидан иборат гуруҳлар ташкил этилиб, байрам билан боғлиқ барча объектларнинг техник ва ёнғин ҳавфсизлиги ҳолати атрофчида ўрганиб чиқилмоқда.

Йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш ва транспорт воситалари билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, изчил амалга оширилмоқда. Байрам иштирокчиларини белгиланган манзилларга олиб бориш, олиб келиш ва қулатишга жалб этиладиган автотранспорт воситаларининг техник ҳолати текширилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилмоқда.

Транспорт воситалари ҳаракатини тартибга солиш, айниқса, чорраҳаларда тирбандликлар юзга келишига йўл қўймаслик мақсадида тегишли идоралар билан биргаликда йўл белгилари, шу жумладан, светофорларнинг техник ҳолати ўрганилиб, носозлари янгилашга алоҳида қарилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ жорий йилнинг 15 декабрдан — 2014 йил 15 январгача ўтказиладиган «Ҳаракат ҳавфсизлиги ойлиги» ҳам йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини янада оширишга жалб қилинмоқда.

— Янги йил байрами тадбирлари жараёнида ёнғин ҳавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Мамлакатимизда ёнғин ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилаётган. Юксак маънавият ва маънавийликка эга давлат ёнғин ҳавфсизлиги хизмати ходимлари туну кун эл-юртнинг тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат қилмоқда. Янги йил байрамини ёнғин билан боғлиқ турли кўнгилсизликларсиз ўтказиш бўйича қатор чора-тадбирлар олиб боришмоқда. Аҳоли пунктлари, икстиодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида ёнғин ҳавфсизлигини таъминлаш ишлари янада кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойишига биноан ўтказиладиган ёнғин ҳавфсизлиги ойлиги давомида қорхона, ташкилотлар, маҳаллалар, ўқув муассасаларида семинарлар, учрашувлар ташкил этилди. Ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида соҳа ходимлари томонидан аҳоли, айниқса, болалар ва ўсмирлар ўртасида ёнғин ҳавфсизлиги қоидаларига риоя этиш юзасидан тўшунтириш-тарғибот ишлари олиб

борилди. Бу борада кенг жамоатчиликнинг фаол иштироки тадбирлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилаётган. Чунки ёнғин ҳавфсизлиги масаласи барча идора ва ташкилотлар, маҳалла, қишлоқ, оила, ҳар бир фуқаро фаолияти ва ҳаётига бево-сита таъсир қилади. Соҳага оид қўнғинчиликнинг тақомиллаштирилгани ёнғин ҳавфсизлигини таъминлаш, «тилсиз ёнғин»нинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш имконини бераётган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 сентябрда қабул қилинган «Ёнғин ҳавфсизлиги тўғрисида»ги қонунда ёнғинларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари, қорхоналар ва ҳўжалиқлар, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари алоҳида масъулият юкланган.

Қорхона ва ташкилотларда ўтказилган назорат текширувлари натижасида шу кунгача ёнғин чиқиш хавфи бўлган қарийб бир ярим мингга яқин иншоот, цех ва омборларнинг иш фаолияти вақтинчалик тўхтатилди, 11 минг 600 дан зиёд носоз электр мослама, агрегат ва электр тармоқларидан фойдаланиш тақиқланди. Ёнғин ҳавфсизлиги талабларини қўпол равишда бузган мансабдор шахслар ва фуқароларга нисбатан тегишли чоралар қўрилди. Хонадонлар ва кўп қаватли уйларнинг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди. Ўшбу йўналишда олиб бориладиган ишлар натижасида ёнғинлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 256 тага қайтарилди. Бу ёнғин ҳавфсизлиги оид қоидаларга амал қилиш ҳаёт тарзига тобора чуқурроқ кириб бораётганининг яна бир далилидир.

— Пиротехника воситаларидан фойдаланиш оқибатида келиб чиқадиган кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида қандай чора-тадбирлар қўрилмоқда?

— Таъкидлаш керакики, пиротехника воситалари тез ёнадиган моддалар, масалан, порохдан тайёрланади ва уларнинг деярли барчаси ёнғин чиқиши нуктаи назаридан хавфли бўюмлар тоифасига кириди. Миллий ва халқаро таснифга мувофиқ, пиротехника бўюмлари биринчи тоифага мансуб портловчи материаллар ва бўюмларнинг алоҳида тоифаларига киритилган.

Мамлакатимизда портловчи ва заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, ташини, сақлаш, реализация қилиш соҳасида ҳавфсизлигини таъминлашнинг назорат қилиш ишлари тизимли асосда амалга оширилаётган. «Пиротехника бўюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунда пиротехника воситаларини олиб кириш, ишлаб чиқариш, ташини, сақлаш, сотиш устидан самарали давлат назоратини ўрнатиш, уларнинг қўнунга хилоф равишда муомаласида бўлиши ва ишлатилишининг олдини олиш, пиротехника воситаларини қўллаган ҳолда маданий-томоша тадбирларини ўтказишда ҳавфсизлик чораларини кучайтириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўшбу қўнун пиротехника бўюмларининг ноқонуний айланиши ва улардан қўнунга хилоф равишда фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган давлат назоратини самарали амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга турли маданий тадбирларни ўтказишда ҳавфсизлик чораларига риоя этилиши таъминлашга хизмат қилаётган.

Афсуски, пиротехника воситаларини қўнунга хилоф равишда мамлакатимизда олиб кириш, сотиш ва фойдаланиш ҳолатлари, кам бўлса-да, ҳамон учраб турибди. Шу боис ички ишлар, солиқ идоралари, божхона қўмитаси ва жамоатчилик вакилларида иборат махсус гуруҳлар иштирокида мамлакатимиз ҳудудида пиротехника махсулотларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш бўйича тезкор тадбирлар ўтказилмоқда. Бу жараёнда чегара ҳудудларида ҳаракатланаётган автомашина ва йўловчилар, чегаралар яқинида жойлашган дўкон ва савдо расталари, хонадон ва иншоотлар текширувдан ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда пиротехника воситаларини олиб кирилишига мустаҳкам қўнуний тўсиқ қўйилган. Амалга оширилаётган бундай қатъий чора-тадбирлар халқимизнинг саломатлиги ва жамоат ҳавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу ишга муносиб ҳисса қўиш аса барчамизнинг бурчи бўлади.

Янги йил байрамни юқори савияда ўтишини таъминлашга тайёргарлик ишлари қизғин бораётган шу кунларда жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин ҳавфсизлигида эътиборни янада кучайтириш, турли ноҳус ҳодисаларга йўл қўймаслик борасида амалга оширилаётган ишлардан қўзланган мақсад хонадонлар, маҳаллалар, шаҳар ва қишлоқларимизда байрамни тинч-осойишта, кўтаринки кайфиятда ўтишини таъминлашдир. Бу олижаноб мақсад нанки ички ишлар ходимлари, айни чоғда ҳар бир юртдошимиздан янада ҳушёр ва огоҳ, фаол ва ҳамжиҳат бўлишни талаб қилади. Зеро, ҳар доим ҳушёр ва огоҳ бўлиш нафақат байрамлар шуккуини, балки кўндалки турмушимизни фазл-баракасини ҳам оширади.

Бехзод НОРБОВЕВ
суҳбатлашди



Таълим

ЁШЛАРИНИГ БЕТАҚРОР МАҲОРАТИ

Тошкент Архитектура-қурилиш институти қошидаги академик лицейда ўқувчи ёшларнинг истеъодини, ижодий қобилиятларини синовдан ўтказиш мақсадида «Ижодий ишлар кўргазмаси» ташкил этилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар ёшларнинг билим чўққиларини эгаллашлари, олган билимларини келажақда қўлайли биллишлари кераклиги ҳақида тўхталиб ўтишди.

— Мазкур тадбир саккизта сардорнинг гоёлари асосида ташкил этилди, — дейди Тошкент Архитектура-қурилиш институти қошидаги академик лицейнинг инглиз тили фани ўқитувчиси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчиси Зиёда Қурбонова. — Уни ташкил этишдан қўзланган асосий мақсад ёшларнинг қобилиятларини қўллаб-қувватлаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, иқтидорларини ривожлантиришдан иборат.

Кўргазмада қуйидаги йўналишдаги ижодий ишлар бўйича ўқувчилар тақдирландилар. — Ёнғи яхши қалам тасвир бўйича Мирзоанвар Мирзо-одилов, ёнғи яхши ранг тасвир бўйича Аҳмаджон Шудбоев, ёнғи яхши компютер графикаси Тимур Абдурахмонов, ёнғи яхши модлар дизайни устаси Дурдона Тиллаҳўжаеваларга фахрий ёрликлар топширилди.

Ўқувчиларнинг ижодларини қўзатган ҳолда улардан бирини суҳбатда чорладик.

— Мен энг яхши компютер графикаси йўналиши бўйича биринчи марта кўргазмада иштирок этишим, — дейди Тошкент Архитектура ва қурилиш институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Тимур Абдурахмонов. — Тўғриси айтсам, мен бундай муқофотни кутмаган эдим. Биз ёшларнинг келажаги архитектура соҳаси бўлганлиги учун ўз ишимни «Келажимиз — архитектура» деб номладим. Келгусида янги гоёлар устида ишлаб, мамлакатимизнинг етук мутахассиси бўлиб етишишга ҳаракат қиламан.

Шунингдек, тадбир доирасида Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси ҳамкорлигида китоб ярмаркалари ҳам ўтказилди. Унда тадбир меҳмонлари, ўқувчи ва ўқитувчилар ўзларига ёққан китобларни харид қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Хабиба ЙЎЛДОШЕВА,
Насибхон МАМАТЖАНОВА
ТАҚИ қошидаги академик лицей
ўқитувчиси

СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

Яратилган кенг имкониятлар, берилган имтиёзлар самараси ўларок турли шаклдаги тадбиркорлик субъектлари мамлакатимиз иқтисодиётида йил сайин муҳим ўрин тутиб бормоқда. Тадбиркорлик фаолияти давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланиб, соҳага доир ҳуқуқий асослар мустаҳкамланмоқда. Афсуски, шундай бир шароитда қўнунларга зид йўл тутиб, иқтисодиётимизга зарар етказибётган айрим соҳта «тадбиркор»лар ҳам учраб турибди.

Қонун барчага баробар

«УДДАБУРОН»ЛИКНИНГ ҲАМ ЧЕГАРАСИ БОР

Маълумки, солиқ тўловлари орқали тушаётган маблағлар давлатнинг асосий молиявий базаси ҳисобланади. Давлат ва жамият манфаатларини унутиб, мўмай даромад топиш илнжида солиқ тўловларидан бўйин товлайётган соҳта ишбилармонлар бу ҳаётий ҳақиқатни ҳам, қонун талабларини ҳам четлаб ўтишга уринмоқдалар.

Масалан, Шерзод Ризаевни таниган-билганлар ёш бўлса-да, уддабурон, омади чопган тадбиркорлардан деб ҳисоблашади. Бироқ Ш. Ризаев «Spectr-construction» МЧЖ директори лавозимига ишлаган даврида анча-мунча қинғир ишларга қўл уришга улгурган экан. Бош прокуратура ҳузуридagi СВОЖДЛКК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳодимлари томонидан «Spectr-construction» МЧЖнинг ҳўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган тафтиш далолатномалари ҳам бунчи тасдиқлайди.

Гап шундаки, «Spectr-construction» МЧЖ асосан қурилиш ишларини амалга оширган. Қорхонада ишлар юришиб кетган, Ш.Ризаев қорхона молиявий-ҳўжалик фаолиятини якка ўзи юритишни истаб қолади. Шу мақсадда буйруқ чиқариб, 2010 йил 30 декабрда жамият бош ҳисоб-числини ишдан бўшатиб юборди. Давлат солиқ инспекциясига қорхонанинг молиявий ҳўжалик фаолиятига доир ҳисоботларга соҳта маълумотлар киритиб, имзолаб топшириб юбораверган.

Аниқланишича, Ш. Ризаев мазкур ҳисоботларда солиққа тортилмаган базани янада кўпайтириб билан ҳам 30 миллион 959 минг 900 сўм, жумладан, 17 миллион 115 минг 400 сўм даромад солиғи, 13 миллион 844 минг 500 сўм микдоридagi инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан бўйин товлаган.

Текширув давомида Ш.Ризаевнинг қинғирликлари шунинг билан аниқланган. У жиноий ҳаракатларини давом эттириб, қорхонанинг 2011 йилги фаолияти даврида бошқа қорхоналардан шартнома асосида сотиб олинган 40 миллион сўмликдан ошмироқ микдордаги турли хил қурилиш материалларини назорат-касса машинасини фойдаланган ҳолда нақд пулга сотиб, савдолдан тушган пулларни банк муассасасига инкасса қилмасдан ўз эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборган. Бу билан У Солиқ кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг соҳага доир қарорлари талабларига зид иш тутган.

Жиноят жазосиз қолмайди. Ш.Ризаев ҳам суд ҳукми билан тегишли жазосини олди.

Хулоса қилиб айтганда, қинғир йўл билан пул топишни мақсад қилган шундай «уддабуронлар»нинг албатта вақти-соати келиб қонун олдида ҳақдор беришларига тўғри келади.

Шавкат АКРАМОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлими прокурори

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МАСЛАҲАТХОНАЛАР ДОИМО ХИЗМАТИНГИЗДА

Ҳар биримизга берилган энг олий неъмат, бу оламда гўзал ва тақдорланмас умримиз, ҳаётимиздир. Бизнинг бахтимиз аввало-ламбор, оиламиз тинчлиги ва болаларимизнинг ёнғин саломатлиги, ақин кишиларимизнинг ёнғимизда эканлигидадир. Шу билан бирга, ҳаётда турли қутилмаган ҳолатларга дуч келамиз. Баъзан дардимизни кимга айтишни, қандай ҳал қилишни билмай қоламиз, унинг асорати билан курашамиз.

Азизлар. Ҳурматли опа-сингиллар! Ҳаётингизда айрим муаммолар пайдо бўлса, уларнинг ечимини топишни истасангиз, шахримизнинг барча туманларидаги маслаҳатхоналарда фаолият кўрсатаётган психологларга мурожаат қилишни тавсия қиламиз. Улар доимо сизлардан ўзларининг беғараз хизматларини аяшмайди.

Шахримиз туманларидаги психологик маслаҳатхоналар ҳақида
МАЪЛУМОТ

№	Туман номи	Психологик маслаҳатхоналар манзили
1.	Бектемир	Юқори Чирчиқ кўчаси, 64-уй, тел. 805-58-64
2.	Миробод	«Чинор» МФИ идораси, Қўйлик-1 мавзеси, 3-уй, тел.293-36-56
3.	Мирзо Улугбек	«Шалпола» МФИ идораси, Шалпола кўчаси, 19-уй, тел.264-14-63
4.	Олмазор	Олмазор тиббиёт коллежи, Ф. Каримов кўчаси, 6-12 бино, 222-хона, тел.214-37-60, 214-54-66
5.	Сергели	Сергели туман ҳокимлиги, Сўғдиёна кўчаси, 1-уй, 31-хона, тел.258-08-34
6.	Учтепа	Учтепа туман ҳокимлиги, Фарҳод кўчаси, 28-уй, 6-қават, 13-хона, тел.274-28-38, 274-12-94
7.	Ҳамза	«Жўрабек» МФИ идораси, Олот кўчаси, 1-уй, тел.293-08-70
8.	Чилонзор	Чилонзор туман ФХД бўлими биносига, 8-мавзе, 8-уй, тел.208-01-07
9.	Шайхонтохур	Шайхонтохур туман тиббиёт бирлашмаси биносига, М. Уйғур кўчаси, 305-уй, 46-хона, тел.242-70-25; 249-63-80
10.	Юнусобод	Юнусобод туман Марказий кўп тармоқли поликлиника биносига, 19-мавзе, Юнус ота кўчаси, 2-уй, 1-қават, тел.223-19-81, 223-10-80
11.	Яккасарой	«Ракат» МФИ идораси, Боғи бўстон кўчаси, 35-а уй, тел.253-72-46

«Respublika mulk markazi» ЕАЖ бошланғич баҳоси босқичида-босқич охири бориш тартибига ўтказилган очик аукцион савдосига тақлиф этилди! Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги Юристарлар маҳкамасини олишириш марказининг 06.12.2013 йилдаги 28-05-305/11-сонли буюртманомасига асосан марказга тегишли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ўзбекистон шох кўчаси, 15-уйда сақланаётган «Дамас» русумли, д/р 01/347УСА бўлган, 1998 йил и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 15 500 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 20 январь кунини соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2014 йил 17 январь кунини соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2014 йил 20 январь кунини сотилмаган тақдирда, тақрорий савдолар 2014 йил 27 январь ва 3 февраль кунлари соат 11:00да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 27 январьдаги тақрорий савдолар учун 24 январь кунини соат 18:00; 3 февралдаги савдолар учун 31 январь кунини соат 18:00да тўхтатилади. Савдо қолибига 10 иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда заклал пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 х/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамий кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz, Гўвоҳнома №006231.

ФУҚАРОЛАР ВА

2013 йил — Обод турмуш йили

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Гимнастика федерацияси ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 400 нафарга яқин иштирокчи ғолиблик учун куч синашди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ижодий-интеллектуал, маънавий ва жисмоний салоҳиятини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилаётган доимий эътибор самарасида аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзига интилиш тобора кучайиб бормоқда.

Ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш болалар саломатлигига, хусусан, қизларнинг баркамол бўлиб вояга етишига хизмат қилмоқда. Спорт билан мунтазам шуғулланаётган қизлар сафи муттасил кенгайиб бормоқда. Мисол учун, 2004 йили бадий гимнастика билан 2935 нафар қиз шуғулланган бўлса, 2013 йилнинг тўққиз ойида 81 минг нафардан ошди. Бундай ўсиш кўрсаткичлари спортнинг синхрон сузиш, кураш ва теннис турларида ҳам кузатишмоқда.

Спорт билан мунтазам шуғулланаётган қизларнинг халқаро мусобақаларда қўлга киритаётган ютуқлари ҳам салмоқли бўлмоқда. Жумладан, 2004 йили халқаро мусобақаларда қатнашган қизларимиз 62 олтин, 57 кумуш ва 81 бронза — жами 200 медални қўлга киритган бўлса, бу кўрсаткич 2013 йилда 715 медалга — 240 олтин, 195 кумуш ва 280 бронзага етди.

Аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ўртасида бадий ва спорт гимнастикаси, аэробика, акробатика, трюмпинг, замонавий рақс ва фитнес машғулотларини ўзда бирлаштирган гимнастрада ҳам тобора оммалашмоқда. Ушбу спорт турлари бўйича кўплаб мусобақаларнинг мунтазам ташкил қилинаётгани бунда муҳим аҳамият касб этаётди.



ГИМНАСТИКА БАРЧА УЧУН

«Ўзбекистон» спорт мажмуасида «Гимнастика барча учун» шиори остида ташкил этилган Ўзбекистон очик чемпионати якунланди.

Бу жихатлар «Ўзбекистон» спорт мажмуасида ўтказилган «Гимнастика барча учун» Ўзбекистон очик чемпионатида ҳам ўз ифодасини топди.

Мусобақа иштирокчилари орасида гимнастрада билан мунтазам шуғулланаётган спортчилар билан бирга мактаб ва коллежлар ўқувчилари, ўй бекалари, қорхона ва ташкилотлар ходимлари ҳам борлиги мамлакатимизда спорт аҳолининг барча қатламлари ўртасида кенг оммалашаётганидан далolatдир.

Икки кун давом этган мусобақада 14 ёшгача бўлган қизлар, аралаш ва 45 ёшдан юқори бўлган аёллар жамоалари тайёрлаган композициялар ижро маҳорати, рақс ва гимнастика элементларини бажариш қobiliяти бўйича баҳоланди.

Байрам АЙТМУРОВОВ,
ЎЗА мухбири

ХУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!



Мана, яна бир
йилимиз ортида қолиб,
ўзининг қутлуғ
қадамлари билан Янги
— 2014 йил ҳам кириб

келмоқда. Албатта, ҳар бир хонадон соҳиби ушбу улғ айёмни тўкин дастурхон атрофида, оила аъзолари, ёру дўстлари билан кўтаринки кайфиятда кўтиб олиш ҳаракатида. Уй бекалари газ плитаси атрофида парвона бўлишлари табиий ҳолатдир.

Ахир байрам дастурхонининг тўкин, ширинлик ва таомлар хилма хил бўлиши барчага завқ бағишлайди. Лекин шу ўринда таъкидлаш лозимки, истеъмолчиларимиз газдан фойдаланиш қоидаларига амал қилмаслиги, ўзбошимчалик билан газ асбобларини газ тармоғига улашлари, ўз ўрнидан резина ичаклар орқали қўчириб ўтказишлари, иситиш печлари ва иссиқлик қозонлари дудбўронларига эътиборсиз бўлишлари заҳарлиниши, ёнғин, газ-ҳаво аралашмасининг чақнаши каби турли ноҳус ҳодисаларга олиб келиши мумкин.

Дудбўронли газ асбобларидан фойдаланувчи ҳамшаҳарларимизга аввало шуни айтиб ўтиш лозимки, иситиш печлари, иситиш ва сув иситиш қозонлари дудбўронлари, шамоллатиш йўлларининг созлигини назорат қилиш ва газ асбобларини хавфсиз ишлатиш хонадон эгаллари ёки ушбу хонадондан фойдаланувчилар зиммасида бўлиши Ўзбекистон Республикасида турмушда газдан фойдаланиш ва газ ҳўжалигида техник эксплуатация қилиш қоидаларининг қатор бандларида кўрсатилган. Шунингдек, газ асбоблари дудбўронлари созлиги ҳақидаги далолатномани ҳар йили иситиш мавсуми бошлангунга қадар газ ҳўжалиги идорасига топшириш янаш уйлари, қорхона ва умумий бинолар эгаларига, хусусий уйларида эса хонадон соҳиблари зиммасига юклатилган.

2013-2014 йилги қиш мавсумига тайёргарлик кўриш муносабати билан истеъмолчиларга қўлайлик яратиш мақсадида дудбўрон ва шамоллатиш йўлларини текширувчи ходимлар хонадонларга бориб далолатнома тузиб тумангаз идораларига топширадилар. Шахсий гувоҳнома билан дудбўрон текширувчи ташкилотлар ходимлари аввало дудбўрон ва шамоллатиш йўллари созлигини аниқлаб, далолатнома тузиб, ўзлари тумангазларга берадилар. Далолатнома учун ҳақ тўланган чипталар хонадон соҳибларига тақдим этилади.

Агарда дудбўрон ва шамоллатиш йўлларида носозликлар бўлса, газ асбобидан фойдаланиш тўхтатилади. Бундай ҳолларда таъмирлаш ишларини бажариш учун махсуслаштирилган дудбўрон текширувчи ташкилотларга мурожаат этиш лозим.

Қиш мавсумига тайёргарлик ва мавсум даврида газ таъминоти қорхоналари ходимлари томонидан ўтказилаётган тадбирлар газдан ноқонуний ва ўзбошимчалик билан фойдаланиш, мавжуд қонун-қоидаларга амал қилмаслик натижасида келиб чиқадиган ноҳус ҳодисаларнинг олдини олишда қорхонамиз ходимлари билан биргаликда истеъмолчиларнинг ҳам масъулиятини оширади. Қорхона, таъминот, муассаса, маҳаллаларда ўтказилаётган сўхбат ва мулоқотлар, ҳар бир хонадонда олиб бориладиган тушунтириш ишлари тадбирнинг муваффақиятини таъминлайди.

Табиий газ истеъмолчиларига Янги йилни хуш қайфиятда кўтиб олишларини тилаган ҳолда хавфсизлик қоидаларига риоя қилишларини, эътиборсиз ва лоқайд бўлмасликларини яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз.

Азиз истеъмолчилар, шуни унутмангки, табиий ва суелтирилган газларнинг ҳаво билан аралашмаси портлаш ҳуссиятига эга. Бунинг оқибати, албатта, фожиа билан тугайди. Шу боис ҳам қўлган газ асбобларини назоратсиз қолдирманг, ёш болаларга газ асбобларидан фойдаланишга рўхсат берманг, носоз дудбўронли газ асбобларини ишлатманг. Агарда хонадонингизда ёки бошқа жойларда газ ҳўдини сезсангиз, зудлик билан тумангаз хизматларига ёки 104 рақами орқали Марказий авария-диспетчерлик хизматида қўнғироқ қилишни унутманг. Мутахассислар етиб келгунга қадар газ асбобларининг жўмрагини беркитинг, хонани шамоллатинг, гуғурт ва электр асбобларини ёқманг ва ёнган ҳолатда бўлса ўчирманг.

«Тошкентгазтаъминот» унитар қорхонаси



Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтаамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г - 1241

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
8513 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Қорхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Тошпириш вақти: 13.00

Босишга тошпирилди: 14.20

1 2 3 5

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ҚОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидан ўтказилаётган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога қўйидаги автотранспорт воситалари (мулклар) қўйилмоқда: 1. Утепа тумани СИБ томонидан 11.11.2011 й. ижро ҳужжати асосан 1993 й. и/ч. «Мерседес Бенц» д.р. 10 АР 694. Бошланғич баҳоси — 20 590 614 сўм. 2. Бектемир тумани СИБ томонидан 03.04.2013 й. № 1-222/2013 — сонли ижро ҳужжати асосан 1996 й. и/ч. «Ваз-21063» д.р. 10 V 527 FA. Бошланғич баҳоси — 7 013 024.90 сўм. 3. Бектемир тумани СИБ томонидан 18.12.2012 й. № 1-601/12 — сонли ижро ҳужжати асосан 2009 й. и/ч. «Матиз» д.р. 01 156 ТТВ. Бошланғич баҳоси — 15 531 135.30 сўм. 4. Бектемир тумани СИБ томонидан 19.08.2013 й. № 1-390/13 — сонли ижро ҳужжати асосан 2004 й. и/ч. «Матиз» д.р. 01 Р 385 GA. Бошланғич баҳоси — 13 984 000 сўм. Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сакланмоқда. Аукцион савдоси 2014 йил 3 январь кўни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 5. Бектемир тумани СИБ томонидан 14.10.2013 й. № 1-329 — сонли ижро ҳужжати асосан 2010 й. и/ч. «Матиз» д.р. 10 S 609 GA. Бошланғич баҳоси — 20 998 524 сўм. 6. Бектемир тумани СИБ томонидан 29.01.2013 й. № 37/13 — сонли ижро ҳужжати асосан 2011 й. и/ч. «Спарк» д.р. 30 H 021 DA. Бошланғич баҳоси — 32 248 680 сўм. 7. Бектемир тумани СИБ томонидан 04.10.2013 й. № 1-739 — сонли ижро ҳужжати асосан 1998 й. и/ч. «Тико» д.р. 01 Т 680 MA. Бошланғич баҳоси — 10 200 000 сўм. 8. Бектемир тумани СИБ томонидан 22.08.2013 й. № 1-216 — сонли ижро ҳужжати асосан 1999 й. и/ч. «Мерседес Бенц» д.р. 01 O 090 VA. Бошланғич баҳоси — 83 997 926 сўм 40 тиин. Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сакланмоқда. Аукцион савдоси 2014 йил 17 январь кўни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари (мулклар) билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар аризаларини ҳар кўни (дам олиш ва байрам кўнларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланғичи бир иш кўни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси (мулк) бошланғич баҳосининг 10 фоизи микдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси (мулк) учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «SPARETRA» МЧЖнинг «ASIA ALLIANCE BANK» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалида қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 2020 8000 9048 8730 5001, МФО: 01103, СТПР: 301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси (мулк) қўйилгани 5 банк кўни мобайнида тўлаш шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусов тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидан ўтказилаётган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

Савдога Олмазор туман СИБ томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 16.12.2011 йилдаги 1109/16375-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш 1/2 даҳаси ҳудудидagi савдо марказида жойлашган «Tehnoprostplus» МЧЖга тегишли, «Е», «Н», «М», «О», «П» блоклардан иборат умумий майдони 1849 кв.м. бўлган савдо маркази тақоран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 1 876 800 750 сўм.

Савдо 2014 йил 6 январь кўни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишининг охири мuddати: 2014 йил 3 январь кўни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ko'shmas Mulk Savdo Xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАТБС СТПР-ф.даги 2020800904920609114, МФО: 01036, СТПР: 207122519 х/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидан ўтказилаётган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога тақоран «O'ZKIMYOSANOAT» ДАК Бошқарувининг 13.12.2013 йилдаги 02-55-02-сонли йилгилик ҳарори ва «O'ZKIMYOSANOAT» ДАКнинг 17.12.2013 йилдаги 02-4815/Т-сонли буюртманомасига асосан компанияга тегишли, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 38-уйда сакланаётган қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «Тойота Прадо» русумли, д/р 01-050ССА бўлган, 2007 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 96 576 000 сўм.
2. «Тойота Камри» русумли, д/р 01-303JCA бўлган, 2006 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 52 719 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 6 январь кўни соат 12:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишининг охири мuddати: 2014 йил 3 январь кўни соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2014 йил 6 январь кўни сотилмаган тақдирда, тақрорий савдолар 2014 йил 13 январь ва 20 январь кўнлари соат 12:00да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 13 январьдаги савдолар учун 10 январь кўни соат 18:00; 20 январьдаги савдолар учун 17 январь кўни соат 18:00да тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш кўни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини ОАИКС «Ипак йўли банки» Саёбон филиалидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 х/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома №006231.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XUSUSIYLASHTIRISH, MONOPOLIYADAN CHIQARISH VA RAQOBATNI RIVOJLANTIRISH DAVLAT QO'MITASI



ISTE'MOLCHI,
HUQUQINGIZ BUZILDIMI?
MUROJAAT ETING!



ISHONCH TELEFONI: 233-09-39

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

ЭХТИЁТ ЧОРАЛАРИ — ХАВФСИЗЛИГИМИЗ ГАРОВИ

Ёнғинлар халқ ҳўжалигига катта моддий зарар келтиради, бир неча соат ёки дақиқа ичида улкан микдордаги халқ бойликларини ёндириб, қулга айлантиради. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ва газлар кўп микдорда атмосферага кўтарилиб, нафас олиш учун зарур бўлган ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, ёнғиндан кўриладиган зарарнинг энг ёмон шукки, унда кўплаб кишилар жароҳатланади ва ҳатто ҳаётдан кўз юмиши ҳам мумкин.

Ҳозирги пайтда саноат қорхоналарида ёнғин хавфини камайтириш борасида бирмунча ишлар амалга оширилган, жумладан, бутунлай хавфсиз ишлайдиган электр ускуналар қўлланилмоқда. Саноат қорхоналари бино ва иншоотлари таркибидан ёнғувчи қурилиш материаллари чиқарилмоқда. Ўт ўчиришнинг механизациялашган ва автоматлашган тизимлари тобора кенг қўлланилмоқда.

Республикаимизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкни кўз қорачиқдек саклаши ва асраб-авайлаши, уни бойитиши ҳақида қайғуриши керак. Шунинг учун саноат қорхоналари ёнғиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суянган ҳолда, цехлардаги ҳар бир ишчининг иштирокида олиб борилади.

Саноат қорхоналарида ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш, ўт ўчириш техникаси ва қуролларини, алоқа ва ўчириш воситаларини шай ҳолатда саклаш, халқ мулкни авайлаб-асраш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини янада кучайтириш талаб этилади.

Саидокил ТУРСУНОВ,
ЁХБ 12-ХЕХО командири, подполковник

Кимларнингдир бепарволиги, эътиборсизлиги сабабли содир бўлган ёнғинлар натижасида шахримиздаги қорхона, ташкилотлар, хусусий хонадонлар катта зарар кўраётгани сир эмас.

Юз бераётган кўплаб ёнғинлар одамларнинг айби билан бўлади. Чунки базис бир қорхоналарда, маъмурий биноларда, ўқув масканларида, давлолаш муассасаларида, айниқса, турар жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминламаслик, ёнғин назорати ходимларининг кўрсатмаларини вақтида бажармаслик, оғоҳлантирилганга бепарво қараш, катталарнинг лоқайдлиги натижасида ёнғинлар содир бўляпти. Унутмангки, ҳар бир ёнғин, бу йўқотишдир. Йиллар давомида йиғилган мол-мулкмиз санокли дақиқаларда ёнғин кул бўлади.

ЁХБ ходимлари мактабларда, мактабгача таълим муассасаларида, маҳаллалар ва ишлаб чиқариш қорхоналарида ёнғин офатининг олдини олиш борасида амалий кўрсатмалар бериш мақсадида ўрашувлар ўтказиб келмоқдалар. Айтиш керакки, қўйиш тан жароҳатини олганларнинг асосий қисmini ўсимлар ташкил этади. Улар билан суҳбатлашганимизда, бунга билиб-билмай қўлган қаракати ёки ота-оналар назоратидан четда қолиш, ўт ёқиш, «ўт билан ўйнаш, базан тез алағланувчи моддаларга ўта қизиқувчанлиги сабаб бўлганлигини эшитганимиз. Базанда оловдан, газдан, электр ишчилик асбобларидан нотўғри фойдаланиш, уларга эътиборсизлик ёнғинни келтириб чиқаряпти.

Шундай ҳолларга тушиб қолмаслик учун фуқароларимиз ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари, аланга чиқиши эҳтимоли бўлган нарсаларни доимо эътиборда тутишлари керак. Ана шунда биз ёнғиннинг ҳам, қўйиш ҳолларининг ҳам олдини олган бўламиз.

Нигора САЛОХУТДИНОВА,
23-ХЕХК кичик инспектори, катта сержант

Одатда, эътиборсизлик, лоқайдлик оқибатида ёнғин ҳодисаси содир бўлиши аҳоли яшаш жойларида кўп учрайди. Бундай ҳолларда эса, энг аввало катта талафот кўрувчи ҳам, жабрланувчи ҳам инсонлар эканлиги барчамизни тавшиши солади, албатта.

Фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишига эришиш, юз бериши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш борасида ёнғин хавфсизлиги ходимлари олдида ҳам муҳим вазифалар қўйилган. Жумладан, бўлим ходимлари йил давомида аҳоли турар жойларида ўрашувлар ташкил қилиб, фуқароларни ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишга қачирмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари соҳа вакиллари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйган. Негаки, ёнғин билан боғлиқ ноҳус вазиятлар юз бермаслиги учун жойларда тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш талаб этилади. Бунинг учун эса табиийки, маҳалла фаолларининг ёрдами билан фойдаланиш сезиларли самара беради. Шунингдек, хавфсизлик қоидаларига риоя қилимай ноқонуний тарзда газ ва электр тармоқларидан, носоз қўлбола техник қурилмаларидан фойдаланаётган фуқароларни аниқлаб, уларга тегишли жазо чораларини қўришда ҳам шу ҳудуддаги хонадонлар жойлашувини яхши биладиган, аҳолини танийдиган маҳалла оқсоқоллари, масъахатчилари, посбонлари ва фаоллари кўмаги зарур бўлади.

Бутун айрим маҳаллалар ҳудудда ноқонуний тарзда қурилган уйлар, базис қўлчалар ўрнатилган бетон тўсмаклар фавқулодда вазиятлар чоғида ёнғин ўчириш автоуловларини воқеа жойига етиб боришига тўсқинлик қилмоқда. Қолаверса, кўп қаватли уйлар ёнғига ўрнатилган темир тўсиқлар, буталмаган дарахт шохлари ҳам ёнғинни ўчириш чоғида соҳамиз вакилларига қийинчилик туғдириши табиий. Шу сабабли ҳам маҳаллаларда ўтказилаётган ўрашувларда фуқароларга ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тушунириш билан бирга, ёнғинни ўчиришга тўсқинлик қилувчи барча ҳолатлар ҳам бартараф этилмоқда.

Хилола ИСЛОМОВА,
12-ХЕХО кичик инспектори, кичик сержант



Тошкент шаҳрида
19 декабрь кўни ҳаво ўза-
риб туради, ёнғинчилик
бўлмайд. Эрталаб ва кеч